

## ГЛОБАЛ ТАҲДИДЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА ИСЛОМ ФАЛСАФАСИ АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРИНИНГ ЎРНИ

Пўлатова Дилдор Ақмаловна

Альфраганус Университети

“Ижтимоий фанлар” кафедраси профессори

### АННОТАЦИЯ

Глобаллашув даврига келиб, инсоннинг табиатга таъсирининг кучайиб бориши натижасида инсон ва табиат ўртасидаги мавжуд дастлабки уйғунлик аста-секин бузилиб номутаносиб ҳолатига келди. Бунинг ёрқин ифодаси сифатида юзага келган экологик муаммолар бутун инсоният манфаатларига дахлдор бўлиб, уни ҳал қилиши учун барча мамлакатлар ва халқларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатларини талаб этувчи умумбаширий муаммога айланди. Мазкур мақолада Шарқ фалсафаси, шунингдек Ислом фалсафаси ахлоқий қадриятларининг шахснинг маънавий тарбиясида ва умумбаширий муоммаларни ҳал этишида тутган ўрни масалалари таҳлил этилган.

**Калим сўзлар:** Глобаллашув, барқарор ривожланиши, умумбаширий муаммолар, табиий муҳит, Ислом фалсафаси, маънавий тарбия, ахлоқий қадриятлар.

### АННОТАЦИЯ

В современную эпоху глобализации, в результате усиления влияния человека на природу, гармоничное сосуществование между человеком и природой постепенно разрушается. Как яркое выражение этого, возникшие экологические проблемы затрагивают интересы всего человечества и стали глобальной проблемой, требующей совместных усилий всех стран и народов для его решения. В данной статье проанализированы вопросы Восточной философии, а также роли нравственных ценностей Исламской философии в духовном воспитании личности и решении общечеловеческих глобальных проблем.

**Ключевые слова:** Глобализация, устойчивое развитие, общечеловеческие проблемы, природная среда, философия ислама, духовное воспитание, нравственные ценности.

### ABSTRACT

In the modern era of globalization, as a result of the increasing influence of man on nature, the harmonious coexistence between man and nature is gradually being destroyed. As a vivid expression of this, the environmental problems that have arisen

affect the interests of all mankind and have become a global problem requiring joint efforts of all countries and peoples to solve it. This article analyzes the issues of Eastern philosophy, as well as the role of the moral values of Islamic philosophy in the spiritual education of the individual and the solution of universal global problems.

**Keywords:** Globalization, sustainable development, universal human problems, natural environment, philosophy of Islam, spiritual education, moral values.

## КИРИШ

Бугунги кунда дунё шиддат билан ўзгараётган ва глобал таҳдидлар авж олаётган шароитда, уларга қарши туриш ва бартараф этиш, инсоният барқарор ривожланишини таъминлаш барча тинчликсевар халқларнинг, айниқса зиёлиларнинг, сиёсатчи ва олимларнинг олдида турган энг мухим, долзарб масалалардан бирига айланди. Мазкур таҳдидларни бартараф этишда турли тоялар, методологиялар, концепциялар яратилмоқда.

Аввало, глобаллашувнинг моҳиятига эътибор қаратайлик. Глобаллашув узок тарихга эга чизиқсиз шаклда давом этадиган марказлашув ва аксилимарказлашув жараёнларининг натижаси бўлиб, ниҳоятда мураккаб ва бир маънога эга бўлмаган феноменdir. Шунинг учун ҳам бугунги кунга келиб, у неолиберал анъаналарининг тарафдорлари томонидан ижобий ҳолат сифатида қўллаб-қувватланса, «антиглобалистлар» – кўпинча ўта радикал позициялардан туриб унга қарши чиқишмоқда.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Глобаллашув серкирра жараён бўлғанлиги учун, унинг моҳиятини айрим тадқиқотларда иқтисодий жиҳатдан, бошқалари – ягона ахборот тизими сифатида, учинчилари эса, уни умумий турмуш тарзининг шаклланиши сифатида таҳлил этадилар. Лекин барчаси учун глобаллашувнинг объектив, тарихий, қайтарилмас жараён деб қараш хос. Шундай қилиб, глобаллашув инсониятнинг ягона умумият сифатида объектив ва табиий интеграциялашуви жараёни бўлиб, у – глобал коммуникация, глобал иқтисод, глобал сиёсат, глобал фан, глобал маданият каби шаклларда намоён бўлиши, бунда ижтимоий ривожланишнинг нафақат ютуқлари, балки кескин муаммоларининг ҳам глобаллашиб бораётганлиги ва инсоният келажаги учун глобал таҳдидга айланаётганлигини кузатишимиз мумкин.

Айниқса, глобал таҳдидлар сифатида намоён бўлаётган муаммолар сифатида қуидагиларни санаб ўтиш мумкин:

- дунёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш;
- терроризм ва экстремизга, наркомания ва алкогольизмга, коррупция ва одам савдосига қарши кураш;

- тоза ичимлик суви, энергетик ресурсларининг тақчиллиги билан боғлиқ иқтисодий муаммолар;
- антропоген ва техноген омиллар таъсирида Ер юзида содир бўлаётган табиий офатлар;
- экологик характерга эга бўлган: осмонимиз, атроф-муҳитимизнинг мусаффолиги ва нафас олаётган ҳавонинг тозалигини таъминлаш, ичимлик суви, хосилдор ерлар, ёқилғи ва бошқа инсон ҳаёти учун зарур бўлган моддий ресурсларга тежамкорлик билан муносабатда бўлиш;
- инсоннинг хулқ-авторидаги нуқсонлар билан боғлиқ этикавий (ахлоқий) характерга эга бўлган муаммолар;
- аҳоли саломатлиги билан боғлиқ муаммолар.

Буларнинг барчаси глобал миқёсда ҳал этилиши керак бўлган муаммоларга айланди. Айниқса, COVID – 19 бундай муаммоларнинг ҳеч қандай чегараларга бўйсунмаслиги ва кенг миқёсда фожиали оқибатларга олиб келиши мумкинлигини кўрсатди.

Замонавий фанда оламни синергетик методология асосида тадқиқиқ этилиши натижасида шаклланган коэволюция ғоясига кўра, табиат ва жамият, биосфера ва ноосфера ривожланиши ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, содир бўлаётган ўзгаришларга “капалак эффекти”<sup>1</sup> тамойили асосида ёндашиш мумкин. Яъни табиат, жамият, инсон борлиқнинг асосий таркибий қисмлари бўлиб, уларнинг мавжудлигини бир-бирларидан айри, алоҳида ҳолда тасаввур қилиш мумкин эмас. Мазкур муаммоларни ҳал этиш учун инсоннинг оламга, ҳаётининг замини бўлган табиий муҳитга, табиатнинг нодир бир бўлаги ҳисобланмиш инсонга, яъни ўз-ўзига муносабатини ўзгартириши керак. Чунки, инсоннинг табиатга етказаётган зарари инсоннинг ўзига қайтиб, салбийтаъсир кўрсатмоқда. Шу ўринда, Қадимги Хитойнинг Даосизм фалсафасидаги<sup>2</sup> инсоннинг табиатга кўрсатган ҳар қандай зарари учун, табиат ундан ўч олади, деган ғоясини эслаш ўринли.

Хитой фалсафасининг қарийб уч минг йиллик тарихи давомида унинг табиат ва жамият ҳақидаги таълимотлари «Тао» (йўл, модель), «Ли» (хулқ-автор қоидалари), «Тайцзи» (катта чегара), «инь-ян» (ёруғлик ва зулмат тамойиллари кураши), «ци» (ҳаётий эфир) каби муҳим категориялар доирасида давом этди. «Инсон ривожланиши»нинг Осмон қонунига биноан,

<sup>1</sup>Капалак эффекти - табиий фанлардаги атама бўлиб, баъзи хаотик тизимларнинг хусусиятига ишора қиласи: тизимга енгил таъсир катта ва олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши мумкин, шу жумладан бутунлай бошқа жойдаҳам.

<sup>2</sup>Даосизм – қадимги Хитойда вужудга келган файласафий таълимот бўлиб, Корея ярим оролига XII аср бошида кириб келган.

инсон ҳаётий эфир билан доимо алоқадор, лекин бунда инсон меъёрдан, ҳаддидан ошмаслиги зарур. [1. Р.138]

Даосизмга кўра, инсоннинг яшашдан асосий мақсади ўз рухининг Дао дунё тартибига қўшилишига эришишдир. Бундай бирлашишга қандай эришиш мумкин? Бу саволнинг жавоби Дао таълимотида мавжуд.

Дао йўлларига Дао кучи хосдир. У-вэйкучи орқали Дао ҳар бир инсонда намоён бўлади. Бу кучни ҳаракат деб ҳисоблаш мумкин эмас, аксинча, ҳар қандай саъй-ҳаракатлардан қочиш учун ҳаракат демакдир. У-вэй- «фаолият кўрсатмаслик» деган маънони англатади, яъни *бу табиий тартибга зид бўлган ҳар қандай фаолиятни инкор этишидир*. Инсон ўз ҳаёти давомида У-вэй, яъни «фаолият кўрсатмаслик» тамойилига риоя қилиш керак. Бу ҳаракатсиз бўлиш дегани эмас. Бу – инсон фаолиятини дунё тартиботининг табиий жиҳати билан мувофиқлаштириши керак демакдир. Даога зид бўлган ҳар қандай ҳаракат бефойда куч сарфлаш бўлиб, ҳалокат ва баҳтсизликка олиб келади.

Даосизм инсонни ҳаётга оқилона муносабатда бўлишни ўргатади. Баҳтга Даонинг назарига тушиш мақсадидабажарилган яхши амалларнинг ўзи билан эришиб бўлмайди. Бунинг учун инсон ўзининг ички дунёсига шўнғиши, медитация қилиш пайтида ўзини тинглашга интилиши, ўзини билиш орқали коинот ритмини эшитиши ва тушуниши керак. Шундай қилиб, Даосизмда ҳаётнинг мақсадини абадийликка, инсоннинг ўз илдизларига қайтиш тарзида тушунилган.

Даосизмнинг ахлоқий идеали – илоҳий Дао билан мулоқотга шўнғиши имконини берувчи диний медитация, нафас олиш ва жисмоний машқлар ёрдамида барча эҳтирос ва истаклардан қутилиб, юқори руҳий ҳолатга эришган зоҳиддир.[2.Б.207; Б. 46.]

Замонавий фалсафа нуқтаи назаридан, инсоннинг табиатга муносабати замирида унинг маълум эҳтиёжларини қондириш истаги ётади, улар ташқи кўринишда шахснинг муайян манфаатлари сифатида намоён бўлади. Жамият тараққиёти муқаррар равишда табиат ҳисобига содир бўлади, чункиинсон унинг ресурслари бўлган сув, ҳаво, тупроқ, ер усти ва ер ости бойликларидан фойдаланади. Инсон мавжудлигининг мақсади ва маъноси ҳайвонларга хос бўлган табиатга шунчаки мослашиш эмас, балки уни ўз эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳолда ўзгартиришдир. Инсоният ҳаётий фаолияти жараёнида табиий муҳитни ўз хоҳиш-истакларии ва эҳтиёжларига мос равишда ўзгартиради. Шундай қилиб, цивилизация ривожланиши инсоннинг атроф-муҳит билан чамбарчас боғлиқлигига содир бўлади.

Лекин цивилизациялар тарихидан маълумки, инсоннинг табиатга таъсирининг кучайиб бориши натижасида инсон ва табиат ўртасидаги мавжуд дастлабки уйғунлик аста-секин бузилди; замонавий глобаллашув даврига келиб, номутаносибликка, қарама-қаршиликка айлана бошлади. XX асрга қадар бу номутаносиблик локал алоҳида худудларга хос ва ҳали қайтариб бўлмайдиган ўзгаришлардаражасига етмаган эди. Лекин, бугунги қунга келиб, экологик муаммолар бутун инсоният манфаатларига дахлдор бўлиб, уни ҳал қилиш учун барча мамлакатлар ва халқларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатларини талаб этувчи глобал, умумбашарий муаммо тусини олди.

Бунинг сабаби, аввало жамиятда шаклланган ҳаётга, табиатга нисбатан истеъмолчи сифатида утилитар, тор прагматик ёндашувнинг устиворлигидир. Глобаллашув даврига келиб, техноген цивилизациянинг ривожланиши Шарқ фалсафаси, шунингдек Ислом фалсафаси қадриятларидан узоқлашиш инсон маънавиятининг қашшоқлашиши билан ахлоқий маданиятининг сусайишига олиб келди.

Инсоннинг ўзи яшаб турган муҳитига оқилона муносабатини шакллантириш муаммоси ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб турган ҳозирги шароитда, мазкур муаммони ҳал этишда Шарқ фалсафасининг муҳим таркибий қисми бўлган Ислом фалсафаси ахлоқий қадриятларига мурожаат этиш ўринли. Чунки, айнан Ислом фалсафасида, масалан Қадимги Хитой фалсафаси Даосизмдан фарқли равишда, шахс камолати ва жамият тараққиёти ҳам ҳар бир инсоннинг эътиқоди, илм-маърифати ва яхши эзгу амалларнинг бирлиги ва ўзаро уйғунлигига боғлиқ. Инсон ўз эътиқодини чуқур илм-маърифат орқали мустаҳкамлаши, уларни жамият учун фойдали яхши хулқ, эзгу амалларда намоён этиши керак.

Ислом фалсафасининг асосини ташкил этган Куръони Карим ва Ҳадисларда олам, табиат инсон учун, унинг неъматларидан фойдаланиши учун Аллоҳ таоло томонидан яратилганлиги, лекин инсон уларни авайлаб асраши зарурлиги ҳақидаги кўрсатмалар нозил этилган. Куръони Каримнинг Бақара сурасининг 21 ва 22 оятларида: “Эй, инсонлар, сизларни ва сизлардан олдингиларни тақволи бўлишларингиз учун яратган Роббингиз....” [3.Б.4], “У сизлар учун Ерни пойандоз, осмонни “бино” қилиб қўйди ва осмондан сув тушириб, у сабабли сизларга ризқ сифатида мевалар ундириди...”[4.Б.4]

Шу билан бирга, Куръони Каримнинг Аъроф сурасининг 31 оятида “...енглар ва ичинглар, (лекин) исроф қилмангизлар! Зоро, У исроф қилувчиларни севмайди”, дейилган. [5.Б.154]

Исломда олам, табиат ноз-неъматлариинсон учун яратилганлиги, инсоннинг вазифаси бу неъматлардан фойдаланишлари, лекин уларни исроф қилмасликлари, шу билан бирга инсон ҳаёти давомида илм ўрганиши ва билимини одамларга фақат яхшилик қилишга сарфлаши кераклиги уқтирилган. Шундай қилиб, Ўрта асрлар Мусулмон Шарқида Ислом фалсафаси ва табиатшунослик илмларининг ривожланишида диний ва дунёвий илмларнинг ривожланишига имкониятлар яратилган.

Ислом фалсафаси деганда, биз, аввало – Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мутафаккирларининг Ислом цивилизацияси доирасида ислом дини қадриятлари асосида шаклланган маънавий, фалсафий меросини тушунамиз. Марказий Осиёдан етишиб чиққан Муҳаммад Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Улугбек каби буюк донишманд, энциклопедик олимлар ҳозирги илму фанимиз, хусусан математика, астрономия, медицина, фалсафа каби илмларнинг асосини яратишга ва цивилизациямиз тараққиётiga жуда катта ҳисса қўшганлар. Уларининг бой маънавий мероси аввало Ислом дини маънавий қадриятларига асосланиб, уларда табиат ва жамиятнинг ўзаро уйғунлиги, маънавий қадриятларнинг устуворлиги, шахс камолотига оид масалалар ўзининг муфассал баёнини топган.

Буюк аждодларимизнинг фалсафий меросига қуйидаги муҳим хусусиятлар хос бўлган:

- ўз давригача мавжуд маънавий қадриятларнинг инкори эмас, идрок этишга таянгани, уларни ижодий ривожлантирилгани;
- рационализм: мантиқ илмининг ривожланиши, ақлни билим ҳақиқиётининг мезони сифатида қабул қилиниши;
- нақл ва ақлни эътиқодни мустаҳкамлашнинг муҳим омили сифатида қаралиши, натижада дунёвий ва диний илмларни ўзаро қарама-қарши қўймаган ҳолда ривожланиши, диний ва дунёвий илмларнинг уйғунлиги;
- эътиқоднинг гўзал хулқда намоён бўлиши, ахлоқий камолот инсон истиқболини белгиловчи муҳим омил эканлиги ҳақидаги таълимот – ахлоқ фалсафасининг ривожланиши;
- инсонпарварлик ва маърифатпарварлик моҳияти, уларнинг ўзаро уйғунлиги; шу асосда адолатли жамият, давлат моделларининг яратилганлиги;
- адабиёт, хаттотлик, ранг-тасвир, архитектура, қироат санъати, эстетик дид ва бадиий тафаккур ривожида намоён бўлганлиги билан ажralиб туради.

Мазкур хусусиятлар Ислом фалсафасининг асрлар давомида ҳаётий, бардавом бўлишининг заминидири.

**Ислом фалсафасини қўйидаги асосий йўналишларга бўлиши мумкин:** 1. Калом фалсафаси. 2. Табиийун фалсафаси. 3. Тасаввуф фалсафаси.

4. Маърифатпарварлик фалсафаси.

**Калом фалсафасига** инсон, унинг ҳаёти ва тақдири масалаларига мўтадил илоҳиёт тамойиллари ва мантиқий тафаккур нуқтаи назаридан қараш, илоҳиёт анъаналарини оқилоналиқ тамойиллари билан, нақлий ва ақлий билимларни ўзаро уйғунлаштириш хос бўлган. Бу таълимотга мувофиқ хатти-ҳаракат Аллоҳ томонидан яратилади, аммо ирода эркинлигига эга бўлган инсон томонидан касб этилади ва бажарилади.

Мовароуннаҳрда калом таълимотига асос солган Абу Мансур Мотурудий дунёни билишни икки турга: қадим ва ҳадис билишга ажратган. Қадим билишда Аллоҳни таниш, ҳадис билишда эса мавжудотларни тушуниш кўзда тутилган. Касбий билиш ҳам тарихий ва истиддолий (яъни ақлий) билиш сифатида иккига ажратилган. Хабар йўли билан ҳосил қилинган билишга тарихий, ақлга таянган билишга эса истиддолий номи берилган.

Мотуридий инсоннинг бирор нарсани била олиши фақат мавжуд нарсаларни ўрганиш ва текшириш воситасидагина амалга ошишини эътироф этган. Унинг фикрича, билиш ақл ва унинг назоратида ривожланган тажриба ва кузатиш орқали қўлга киритилиши мумкин; тажриба нарсалар моҳиятини тушунишнинг фақат бир қисмидир. Бошқа қисмларини ақл ва зеҳн унсурлари ташкил этади. Ақл инсонга берилган сўнгги ва айни бир вақтда чекланган бир ҳуқуқдир. Шу сабабдан ақл ва тажриба билан билиб бўлмайдиган нарсалар мавжуд бўлиб, улар бошқа маълумотлар орқали ҳосил қилиниши мумкин. Бундай маълумотлар қаторига Мотуридий инсон қалбида туғилиши мумкин бўлган илҳом лаҳзаларини киритган. У инсонни тафаккур қилиш қобилияти борлиги туфайли илоҳий мавжудот, деб ҳисоблаган.

Калом фалсафаси вакиллари Аллоҳ ва дунё, табиатдаги жисмларнинг тузилиши; инсон ҳаёти ва келажагининг унинг ахлоқи билан бевосита боғлиқлиги каби масалаларни рационал тафаккур нуқтаи назаридан таҳлил этганлар.

**Калом фалсафасининг Марказий Осиёлик иирик намояндалари:** Абу Мансур Мотуридий (853-944); Маҳмуд Замаҳшарий (1075 - 1144) ва бошк.

**Табиийун (ёки машиноийун) фалсафасига** олам, инсон ва унинг тафаккури масалаларига диний ва табиатшунослик илмларнинг ўзаро уйғунлиги нуқтаи назаридан қараш, фан ва диннинг жамиятда маънавий, маърифий, тарбиявий аҳамиятини юқори баҳолаш хос бўлган. Табиийун фалсафаси вакиллари энциклопедик илмларга эга бўлганлар. Табиатшуносликни, илмий билимлар

таснифи ва илмий тадқиқот усулларини ривожлантиришга, Европа ренессансининг шаклланишига улкан ҳисса қўшганлар. Адолатли фозил жамият ва уни бошқариш моделларини ишлаб чиққанлар.

*Табиийун фалсафасининг Марказий Осиёлик йирик намояндалари:* Абу Наср Форобий (873- 950); Абу Абдуллоҳ Хоразмий (ваф. 997.); Абу Райхон Беруний (973-1048); Абу Али ибн Сино (980-1037); И smoил Журжоний (ваф.тахм.1137); Чагминий (ваф.тахм.1221) ва бошқ.

**Тасаввуф фалсафаси.** Тасаввуф – бу ислом доирасида шаклланган алоҳида диний-фалсафий дунёқараш бўлиб, унга кўра инсон ўзининг шахсий руҳий тажрибаси воситасида Аллоҳ билан бевосита руҳий мулоқот ўrnата олади. Бунинг учун юрагида Аллоҳга нисбатан ишқ-муҳаббати бўлган инсон ўз нафсини худбинлик зангидан поклаши ва шу орқали Олий Ҳақиқатга дахлдорлигини амалда таъминлаши мумкин. Тасаввуф «йўли»ни инсоннинг барқарор ахлоқий тамойилларга (мақомот)га асосланган маънавий покланиши ва камолотга етишиши ҳамда илоҳий нурнинг бир лаҳзалик учқуни сифатида ички руҳий ҳолати (хол) ташкил этади. *Ирфон* – тасаввуф назарияси, Борлик ҳақиқатини англаб етишнинг тасаввуфий йўналишидир.

*Тасаввуф фалсафасининг йирик намояндалари:* Аҳмад Яссавий (ваф.1166); Абдулҳолик Ғиждувоний (ваф. 1179); Баҳовуддин Нақшбанд (1318-1383); Нажмиддин Кубро (1145-1221); Жалолиддин Румий (1207-1273) ва бошқ. бўлишган.

**Маърифатпарварлик фалсафаси** – Ислом маърифатчилиги босқичида Марказий Осиё халқларнинг тасаввуфий, фалсафий, ижтимоий-ахлоқий қадриятларини илмий ва бадиий-тимсолий шаклларда акс эттирган улкан маънавий меросидир. Унга кўра, маънавият инсон дилида яширган Аллоҳ Ҳақиқатининг зухуридир. Инсон руҳи Борлик Ҳақиқати билан доимий уйғунлигини саклаши учун касб-хунар ва илм ўрганиши, ҳалол меҳнат қилиши, меҳр ва садоқат, маърифат орқали кўнгил кўзгусини доимо пок тутиб туриши талаб этилган. Маърифатпарварлик фалсафаси калом, табиийун ва тасаввуф фалсафасидаги нақл ва акл, диний ва дунёвий илмларнинг, инсонпарварлик ва маърифатпарварлик тамойилларининг ўзаро уйғунлиги, эътиқоднинг гўзал хулқда намоён бўлиши, ахлоқий камолот инсон истиқболини белгиловчи муҳим омил эканлиги ҳақидаги ғояларни ўзида мужассам этган.

Маърифатпарварлик фалсафасининг намояндалари – улкан ижодкор файлауф, мутафаккирлар бўлиб, ўз асарлари билан асрлар давомида юксак маънавий қадриятларнинг кенг халқ орасида ёйилишига, ўзига хос шарқона тафаккур тарзини шакллантиришга катта ҳисса қўшганлар.

*Маърифатпарварлик фалсафасининг йирик намояндалари:* Юсуф Хос Хожиб (XI аср); Саъдиддин Тафтазоний (1322-1392); Абдураҳмон Жомий (1414-1492); Алишер Навоий (1441-1501); Хусайн Воъз Кошифий (1440-1504); Мирзо Бедил (1644-1721) ва бошқ.

Таъкидлаш жоизки, буюк аждодларимизнинг борлиқ ҳакидаги, оламни билиш, илмлар таснифи, адолатли жамият, инсоннинг баҳт-саодатга эришишида таълим ва тарбиянинг узвийлиги ҳақидаги таълимотлари Европанинг Уйғониш даврига таъсир кўрсатган. Аждодларимиз яратган маданий-маънавий меросимиз намуналарида акс этган ғоялар ва концепциялар бугунги кунда нафақат ижтимоий-маънавий муаммоларни, балки глобал характерга эга бўлган муаммоларни ҳал қилишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шундай қилиб, фикримизча глобал таҳдидларни фақат диний ва дунёвий илмлар уйғунлигига таянган ҳолда бизни ўраб турган оламга, она табиатимизга нисбатан қадриявий муносабатни шакллантириш, инсоният баҳт-саодати учун хизмат қилувчи эзгу амаллар орқали бартараф этиш мумкин.

## ХУЛОСА

Янгиланаётган Ўзбекистонда Ислом дини, фалсафаси ва маданияти қадриятларини ўрганишга жуда катта эътибор берилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Миронович Мирзиёев ташаббуси билан Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида фаолият юритадиган Ислом цивилизацияси Марказининг, Самарқандда Имом Бухорий, Термизда Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказларининг ташкил этилиши тарихий аҳамиятга эга.

Мазкур Марказларда Ватанимиздан етишиб чиққан олим, мутафаккирлар, уламоларнинг илмий, фалсафий, маънавий мероси чукур тадқиқ этилмоқда; уларнинг инсонпарварлик ва маърифатпарварлик моҳиятини очиб беришга, тарихий ва замонавий цивилизациядаги ўрнини ёритишига, буюк аждодларимизнинг маънавий жасоратини тарғиб этишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу соҳада турли давлат мутахассисларининг ҳамкорлиги инсоният олдида турган глобал муаммоларнинг ҳал этилишига хизмат қиласди. Буюк мутафаккир ва энциклопедик олим Абу Наср Форобий айтганидек: "... вакиллари барча шаҳарларда умуммиқёсдаги баҳт-саодат йўлида ҳамкорлик қиласидиган миллат ва элатлар комил миллат ва элатдирлар. Мана шу тарзда агар жаҳондаги одамлар ўзаро ҳамкорлик қиласалар ва бир-бирларига ёрдам берсалар, Ер юзи мукаммал бўлади ва эзгуликлар маконига айланади. " [6.Б.115; Б.187]. Абу Наср Форобий

фикрларини бугунги кун реалигимизга қиёсласак, дунёнинг илфор ҳамфирк вакилларининг умумий саъй-ҳаракатлари билан глобал миқёсдаги таҳдидлар олдини олиш, уларнинг таъсирини камайтириш имкониятларини топиш мумкин.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES)

1. The role of moral values in the eastern epic tradition.//European journal of research. 2, Febreary 2019. PP.132-143. Impact Factor:5,088 IFS 3,8
2. Пулатова Д.А.Қадимги Хитойда фалсафий тафаккур ривожланишининг ўзига хос жиҳатлари// Ўзбекистон-Хитой тарихий-маданий, илмий ва иқтисодий алоқалар ривожи. Халқаро илмий-амалий конференция. –Тошкент: ТДШИ. 2018. –ББ. 206-210.;
3. Пулатова Д.А. Корейс фалсафаси. Монография. –Тошкент:Истиқлол. 2018. 132 Б.
4. Қуръони Карим. Маъноларнинг таржимаси. Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. –Тошкент: Тошкент Ислом университети, 2001.4 Б.
5. Қуръони Карим. Маъноларнинг таржимаси. Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. –Тошкент: Тошкент Ислом университети, 2001.4 Б.
6. Қуръони Карим. Маъноларнинг таржимаси. Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Тошкент Ислом университети, 2001.154 Б.
7. Сайийд Муҳаммад Хотамий. Ислом тафаккури тарихидан. – Тошкент:Инхож, 2023. – ББ 287.// Абу Наср Форобий.Фозил шаҳар аҳолиси фикрлари.Дорул Ироқ, Байрут.1995; Абу Наср Форобий.Фозил одамлар шахри. –Тошкент:Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти. 1993. 224 Б.